

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

**ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ИҚТИСОДИЁТИ ВА
МАМЛАКАТШУНОСЛИГИ ФАКУЛЬТЕТИ**

**“МДХ, ЯҚИН ВА ЎРТА ШАРҚ МИНТАҚАСИ ИҚТИСОДИЁТИ ВА
МАМЛАКАТШУНОСЛИГИ” КАФЕДРАСИ**

РЕФЕРАТ

**“ЭРОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИ ЁҚИЛҒИ-ЭНЕРГЕТИКА
САНОАТИ РИВОЖЛАНИШИ”**

Бажарди: Исомуддинова Н.

Текширди: ўқит. Рисқулов Р.Б.

ТОШКЕНТ 2010.

МУНДАРИЖА

КИРИШ

I БОБ. ЁҚИЛҒИ-ЭНЕРГЕТИКА САНОАТИНИНГ МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ АҲАМИЯТИ

- 1.1. Ёқилғи-энергетика саноатининг моҳияти ва таркибий тузилмаси
- 1.2. Иқтисодий ривожланишда эқилғи-энергетика саноатининг роли

II БОБ. ЭРОН ЁҚИЛҒИ-ЭНЕРГЕТИКА САНОАТИ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ ХУСУСИЯТЛАРИ

- 2.1. Эрон ёқилғи-энергетика саноати шаклланиши шарт-шароитлари ва ҳозирги ҳолати таҳлили
- 2.2. Эрон ёқилғи-энергетика саноатида хорижий инвестициялар иштироки хусусиятлари

ХУЛОСА

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

ИЛОВАЛАР

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Жаҳон иқтисодиётининг динамик равишда ривожлашини даврида кўплаб воқеа-ҳодисалар юз бермоқда. Бугунги вақтгача бир қанча турли даража ва соҳаларга алоқадор глобал инқирозлар миллий хўжаликлар тизимий тараққиётларига салбий таъсирлар кўрсатган. Ушбу ҳодисалар нуқтаи назаридан давлатлар глобал инқирозни енгиш ёинки, улар салбий оқибатларини юмшатиш масалаларини излаб топишга уринишлар юз берган.

Хусусан 2008 йилда Америка Қўшма Штатлари ипотекали кредитлаш тизимидаги юзага келган бўҳрон ҳозирги вақтда ўзининг энг шиддатли даврига чиқа бошламоқда. Унга нисбатан дунёнинг кучли ва тараққий топган давлатлари ўзларида тўпланган ва самарали тажрибаларини ишга солишиб, миллий хўжаликни қутқариб қолиш каби комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш устида бош қотиришмоқда.

Юзага келган глобал инқироз оқибатида жаҳон давлатларининг энг кучли 20 давлатлар гуруҳи учрашувида ҳам бу масала ўз ифодасига эга бўлди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов, “Ушбу саммитда бўлиб ўтган муҳокамалар шуни кўрсатадики, бугун жаҳон молиявий инқирозининг олдини олиш ҳақида сўз бораётгани йўқ, балки, ундан қандай қилиб чиқиш йўллари изланмоқда, холос. Яъни, бу масалада вазият шу даражага етдики, энди аввалги маралларга қайтиш ҳақида сўз юритишга асос йўқ.¹” деб таъкидлайди.

Баён этилган президент сўзларидан келиб чиқиб, юзага келган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида миллий иқтисодиётни унинг салбий оқибатларидан сақлаб қолиш ҳақида шундай дейиш мумкин.

Эндиликда давлатлар нафақат ўзларида тўпланган ва йиллар давомида синовдан ўтган балки, ўзга давлатлар кучли ва бой тажрибаларидан фойдаланиши зарур. Бунда улар тажрибаларини кўр-кўрона равишда олиш

¹ Каримоов, Ислон Адбўганиевич. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чорлари. – Т.: Ўзбекистон, 2009 – 6 б.

ярамайди. Аксинча, турли тадқиқот ва таҳлиллар асосида олинган хулосалар мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шу ўринда бугунги кунда Ўзбекистон жаҳон хўжалик бозорининг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар айниқса, саноат товарлари турли давлатларга экспорт салоҳияти ошиб бормоқда. Бу борада ёқилғи-энергетика саноати маҳсулотлари катта аҳамиятга эга.

Глобал инқирознинг ёқилғи-энергетика саноати ривожланишига таъсири Ўзбекистон саноати асосий бўғинлари издан чиқишига ва натижада валюта тушумлари пасайишига олиб келиш эҳтимоли йўқ эмас. Бироқ, жаҳонда миллий хўжалик муносабатлари деярли тўлиғича ёқилғи-энергетика саноати билан боғлиқ ва ҳаттоки, бюджет тушумларининг 70-80% дан ортиқ даромадлари айнан ушбу соҳага алоқадор давлатлар мавжуд. Шундан давлатлардан Эрон Ислом Республикаси ҳисобланади.

Глобал инқирознинг Эрон нефт ва газ саноатига салбий оқибатларини олишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларини ўрганиш, жумладан уларнинг инқирозга қарши ислохотлар стратегиясини таҳлил қилиш, соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш ва хорижий инвестициялар жалб этилишини кучайтириш каби масалаларни тадқиқ этиш асосида, мавжуд инқироз шароитида Ўзбекистон ёқилғи-энергетика саноати истиқболли ривожланиш ва ткаомиллашувини таъминлашга хизмат қилувчи хулосалар ва таҳлилий маълумотлар тайёрлаш мазкур мавзунинг долзарблигига хизмат қилади.

Ишнинг мақсад ва вазифалари. Юқорида баён этилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Эрон Ислом Республикаси ёқилғи-энергетика саноатига таъсири шароитида соҳанинг ривожланишини тадқиқ этиш орқали хулосалар тайёрлашдан иборат.

Ушбу мақсадни ёритишда иш қуйидаги **вазифалар** асос қилиб олинган:

- Ёқилғи-энергетика саноатининг моҳияти ва таркибий тузилмасини ёритиш;

- Иқтисодиёт ривожланишида ёқилғи-энергетика саноатининг ролига баҳо бериш;

- Эрон ёқилғи-энергетика саноати шаклланиши шарт-шароитлари ва ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш;

- Эрон ёқилғи-энергетика саноатида хорижий инвестициялар иштироки хусусиятларини ёритиш;

- Жаҳон молиявий инқирози шароитида Эрон ёқилғи-энергетика саноати ривожланиш муаммоларини аниқлаш;

- Эрон ёқилғи-энергетика саноати экспорт салоҳияти ривожланишининг устувор йўналишлари белгилаш.

Иш таркиби. Иш, кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат қилиб шакллантирилди.

I БОБ. ЁҚИЛҒИ-ЭНЕРГЕТИКА САНОАТИНИНГ МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ АҲАМИЯТИ

1.1. Ёқилғи-энергетика саноатининг моҳияти ва таркибий тузилмаси

Замонавий иқтисодий муносабатларнинг объектив глобализацион тенденциялари нафақат мамлакатларнинг халқаро иқтисодий интеграциясини кучайтиради балки, жаҳон энерго ресурслари савдосида мамлакатларнинг сифат жиҳатидан реал даромадларини ўзгартиради.

Шу маънода жаҳон энерго ресурслар бозори шаклланишини миллий чегаралар билан бўлиб бўлмайди. Жаҳон глобализация тенденцияларининг ички ва халқаро амалиётида тўғри англаш ва тушуниш кўп ҳолларда, ҳақиқатда ҳам жаҳон халқларининг манфаатлари амалга ошадими, ёки геостратегик кучлар мувозанатини бузмайдими деган шартларга боғлиқ.

Ёқилғи-энергетика мажмуаси саноатини тадқиқ этиш кўплаб олимлар томонидан амалга оширилган. Ёқилғи-энергетика мажмуаси номи XX аср ўрталаридан худди шундай сўз сифатидаги бирикмани ҳосил қилган бўлиб, ундан олдинги даврларда ёқилғи-энергетика мажмуаси, ёқилғи ва энергетика сифатиди алоҳида тадқиқ қилинган.

Хусусан Н. Ғанихўжаев ўзининг “Ўзбекистон энергетикаси” номли асаарида “Хўш, энергетика нима? Энергетика ва энергосистема сўзларини амалда кўп учратамиз. Улар бир-бири билан боғлиқ бўлса ҳам ўзаро принципиал фарқ қиadi. Энергетика объекти деганда трактордан тортиб йирик электр станцияси ва иссиқлик ишлаб берувчи буғ қозонхналаригача тушиниш мумкин” дея фикр юритиб, масаланинг маъносини батафсил ёритишда унинг таркибий тузилмасини ташкил этувчи – энергия, энергетика системаси каби тушунчаарни билиш лозимлигини таъкидлайди.

Унга кўра “Энергетика – табиий энергияни ўрганиш ва фойдаланишни ўз ичига олувчи ҳозирги замон хўжалик соҳаси тушунилади”.² Бунда табиий энергия ресурслари деганда кўмир, нефт, газ, торф, ўтин, сланец, сув

² Н. Ғанихўжаев “Ўзбекистон энергетикаси” Т.: “Ўзбекистон” 1979 й. – 4-5 б.

шалолалари, шамол, атом, қуёш нури, ер ости иссиқ сувлари, денгиз тўлқинлари ва бошқа шу кабилар тушунилади.

Яна бир манбада “Энергетика, саноат соҳаларининг “базаси” ҳисобланади. Унинг ривожланиши саноатнинг бошқа тармоқлари ва мамлакат бутун иқтисодиёти тинимсиз тараққий топиш шарт-шароитлари ҳисобланади.”³ Энергетика ўзида энергоресурслар билан таъминловчи барча тармоқларни қамраб олади. Унинг таркибига барча ёқилғи соҳалари ва электро энергетика, разведка қилиш, ўзлаштириш, ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва транспортларга юклаш каби улкан мажмуа киради.

Айтиш мумкинки, энергетика ёнувчи ёқилғи ресурслари асосида юзага келиб, тинимсиз механизмни акс эттиради. Шу маънода ёқилғи-энергетика ресурслари мажмуасини ифодалайди дейиш мумкин.

Мазкур тушунчага Е.Н. Смирнов “Ёқилғи-энергетика саноати ёқилғи саноати ва энергетикадан ташкил топган”⁴ дея фикр билидиради.

Юқорида баён этилган фикрлардан келиб чиқиб, ёқилғи-энергетика саноатига тушунча беришга ҳаракат қиламиз.

Ёқилғи-энергетика саноати – ёқилғи қазиб чиқариш, қайти ишлаш, электроэнергияларни ишлаб чиқариш, транспортларга юклаш ва тақсимлашдаги барча жараёнлар мажмуалаларидан бири ҳисобланади. У асосий икки қисмдан: ёқилғи саноати, электроэнергетика ва инфратузилмалардан иборат.

Ёқилғи-энергетика мажмуаси жаҳон иқтисодиётида муҳим ролни ўйнайди, шунингдек унинг маҳсулотларисиз иқтисодиётдаги кўплаб соҳа ва тармоқлар ўз фаолиятларини амалга ошира олмайди. ЁЭМ бирламчи энергетика ресурсларидан иборат. Бирламчи энергетика ресурслари (БЭР) га – нефт, газ, кўмир, ядро ва энергия ҳосил қилиувчи манбалар киради. БЭР га бўлган жаҳон талаби 1995-2015 йилларда 80 йилларга нисбатан секинлик билан ўсмоқда ва бу тенденция ХХI асрнинг кейини ўн йиллигида сақланиб

³ Родионова И.А. “Мировая экономика”. Учебное пособие. – СПб.: Питер, 2005. – 241 стр.

⁴ Е.Н. Смирнов “Введение в курс мировой экономики” М.: 2008. – 164 стр.

колди. Бир вақтнинг ўзида, айниқса ривожланган давлатларда ундан фойдаланиш самарадорлиги кўпайди.

Иқтисодчи олимлар ва шу соҳа экспертлари ҳисоб – китобларига кўра 1995-2015 йиллар давомида жаҳонда БЭР нинг барча турлари умумий истеъмоли ахминан 1.6-1.7 маротаба ўсди ва тахминан 17 млрд.т.ни ташкил этди.

Шу маънода истеъмол таркибида етакчилик ҳолатини органик келиб чиққан ёқилғи-энергетика ресурслари сақлаб турибди (94% дан ошди). Атом электро энергияси (АЭС), гидро электростанция (ГЭС) ва бошқаларда энергиянинг улуши 6% дан ошмайди. Умуман, БЭР ни ишлаб чиқариш ва истеъмол миқдориде етакчиликни нефт, иккинчи ўринда кўмир ва учинчи ўринда газ эгаллаб турибди.

Жаҳон хўжалигида ЁЭМ нинг тузилмавий таркиби бирламчи энергия турларидан фойдаланиш ва лура орасида балансларга мувофиқ аниқланади.

1.1.1-жадвал

Бирламчи ва иккламчи энергия турлари

№	Бирламчи энергия турлари	Иккламчи энергия турлари
1	Тош ва бури кўмири	Кокс, агломерат энергиялари
2	Нефт	Бензин, керосин, дизель ёқилғиси, мазут
3	Табиий газ	Иссиқлик электростанция энергияси
4	Сув	Гидравлика энергияси
5	Уран ва рудалар	Атом энергияси

Жадвалдан кўриниб турибдики, бирламчи энергиялар ва шунга мувофиқликдаги иккламчи энергия уарнинг қайта ишланиши натижасида юзага келган.

Маълумки, 90-йилларнинг охирида амалда жаҳоннинг барча давлатларида иқтисодий ривожланиш темплари секинлашади. Иқтисодий ҳамкорлик вап ривожланиш ташкилоти (ИХРТ) давлатларида ва қисман Япония (чуқур инқирозга тушиб қолади) да ўртача иқтисодий ўсиш 2.2% ни

ташқил этди. Иқтисодий ривожланиш темплари пасайиши БЭР истеъмоли ўсиш темпларини қисқартиради.

Экспертлар ҳисобларига кўра, атом ва гидро электростанциялар энергия ишлаб чиқариши ва истеъмоли етишмовчилик хусусиятига эга бўлиб, уларнинг жаҳон ёқилғи-энергетика мажмуасидаги ўрни (5.5%) дан ошмайди.

Жаҳон хўжалигида бирламчи энерго ресурсларнинг истеъмоли таркибий тузилмаси қуйидагича:

1. Нефт – 41.2%;
2. Қаттиқ ёқилғи – 28.3%;
3. Газ – 22.3%;
4. Атом энергияси – 9%;
5. ГЭС ва бошқа ноъананавий манбалар.

Жаҳон хўжалигида энергия истеъмолининг 53.4% ривожланган давлатларга, 29% ривожланаётган давлатларга ҳамда 18% МДҲ ва Шарқий Европа давлатлари га тўғри келади.

Жаҳондаги энг асосий энергия манбаси нефт (Ғарбий Сибир, Саудия Арабистони ва Кувайт давлатлари етакчилик қилишади), табиий газ (Коми Республикаси (Россия), Голландия ва АҚШ давлатлари) ҳисобланади.


Ёқилғи-энергетика мажмуаси (ЁЭМ) таркибий тузилмасига тўхталадиган бўлсак. ЁЭМ – ёқилғи энергетика ресурсларини қазиб чиқариш бўйича материалларни ўрнатиш, ялпи ишлаб чиқариш, жараёнлар, уларни худди шунингдек қайта ташқил этилиши, транспортларга юкланиши, тақсимланиши, истеъмол қилиниши каби мураккаб тизимни ўзида акс эттиради.

ЁЭМ таркибий тузилмасига ўзаро фаолият кўрсатувчи тизимлар киради: ёқилғи саноати тармоғи (кўмир, нефт, табиий газ), энергия ташишда қайта ташқил этилган электро энергетика ва қазиб чиқариш тизим остилари шулар жумласидандир. Бу тизим остилар энергетик машинасозлик, электро

техника, саноатнинг атом соҳаси ва ёқилғи ҳамда энергия истеъмолидаги барча соҳалар билан қалин алоқадар.

ЁЭМ ни яққолроқ тасаввур қилиш мақсадида қуйидаги чизмани тақдим этишга ҳаракат қилдик.

1.1.1-чизма



1.2. Иқтисодий ривожланишда ёқилғи-энергетика саноатининг роли

Иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳалари тез суръатларда ривожланиши ёқилғи-энергетика саноати маҳсулотларига чамбар-час боғлиқ. Бу нефт, табиий газ, кўмир ва бошқа энергия ресурсларларининг тобора кўпроқ ишлатилишида ҳам яққол кўзга ташланмоқда. XX асрнинг 50-60

йилларида энергия ресурсларини ишлатиш 1 090 миллион тоннага ортган бўлса, ҳозирги вақтга келиб унинг миқдори 180 мартабага ошиб кетди.

Иқтисодий ривожланишнинг энергия билан таъминлашниши тобора ошиб бориб, қоида тариқасида меҳнат унумдорлиги кучайишининг асосий омилига айланди. Иқтисодиёт ва техника тараққиётининг асосий йўналишлари бўлган электрлаштириш, механизациялаштириш, автоматлаштириш ва кимёлаштириш энергетиканинг ривожланишига боғлиқлигини ҳаддан ташқари кучайтириб юборди.

А.Е. Протебнинг ёзишича, ишлаб чиқаришда “нарсалар” нинг “энергия” билан тобора кўпроқ алмаштирилиши кишилиқ даврларини принципиал жиҳатдан батамом ўзгартириб юборди. Ва бугунги вақтга келиб, “атом энергияси асри” билан характерланишига олиб келди.

“Ҳозирги вақтда халқ хўжалигининг, жумлдан коммунал-маиший хўжалиқларнинг ҳам у ёки бу даражада энергетик жараёндан иборат бўлмаган бирорта ҳам ишлаб чиқариш процесси ва тармоғи деярли йўқдир.”⁵

Айтиш мумкинки, ёқилғи-энергетика саноатида асосан нефт ва табиий газ ресурсларининг ўрни ниҳоятда беқиёс ҳисобланмоқда. Бу албатта унинг улкан заҳираларига эга минтақа давлатлари иқтисодий ривожланишига ижобий таъсирларида деб изоҳланади.

Мазкур тенденцияда мамлакатларда нефт ва табиий газ ресурслари заҳиралари, қазиб олиними, экспорти ва унинг истеъмоли катта аҳамиятга эга. Бу эса, ёқилғи-энергетика саноатининг иқтисодиёт ривожланишидаги ролини тўлиқ очиб беришга хизмат қилади.

Жаҳон давлатлари энергия истеъмоли миқдори ЯИМ кўрсаткичларига нисбатан юқори даражада ўсмоқда. Масалан, АҚШ ЯИМ 2000-2009 йилларда 2.6% га ўсган бўлса, бирламчи энергия истеъмоли 1.8% га ва ЯИМ да энергия сифими -2.4% ни ташкил этган. Осиёда 2000-2009 йилларда ЯИМ 4.5%, энергия истеъмоли 5.7% ва ЯИМ да энергия сифими 1.2% ни қайд этган. Албатта, Осиё жаҳон нефт ва газ заҳираларининг деярли улкан қисмига

⁵ И.Е. Минц. Ўзбекистон ёқилғи саноати.

эгаллик қилади. Ва шу сабали ҳам унинг жаҳон савдоси айнан ушбу минтақа давлатларига ҳиссасига тўғри келади.

Иқтисодий ривожланишда ёқилғи-энергетика саноатининг аҳамияти минтақа ва мамлакатларда энергия ресурс захиралари кўплиги, улардан олинадиган маҳсулотларининг арзон ва қулай табиий энергетик ресурслар мавжудлигига боғлиқ бўлса, иккинчи томондан у энергия истеъмол этиш объектларига боғлиқ. Одатда, йирик, энергияни кўп талаб қиладиган корхоналар учун жой хом ашё базаси, ишчи кучи, энергия манбаи ва ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиб бериш қулайлиги нуқтаи назарига кўра ҳам тушунтирилади. Мазкур фикрга кўра жаҳондаги минтақа ва давлатлар иқтисодий ривожланиш даражаси ва кўрсаткичлари турлича бўлиб, ҳатто бир минтақада жойлашган давлатлар иқтисодий таракқиёти турлича ҳисобланади. Шунинг учун бугунги кунда иқтисодиётни диверсификациялаштириш ислохотлари амалга оширилмоқда. Бу асосан, Форс кўрфази минтақа мамлакталарида катта эътибор берилмоқда.

Форс кўрфази минтақасини Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Бахрайн, Кувайт, Қатар, Оман каби араб давлатлари ва битта Эрон Ислом Республикаси мамлакати ташкил этади. Ушбу мамлакатлар иқтисодий ривожланишининг асоси нефт ва газ ресурсларига чам-чарчас боғлиқ ҳисобланади. Айтиш мумкинки, бюджет даромадларининг 80-90% айнан нефт ва газ маҳсулотлари экспорт тушумларини ташкил этади.

Мазкур мамлакталарда нефт ва табиий газ ресурс захиралари топилмасдан, уларни қазиб олиш ва экспортга чиқармасдан олдин миллий иқтисодиёт паст ривожланиш ва ҳатто баъзи мамлакталрда хусусан Эронда иқтисодиёт турғун вазиятни бошдан кечирган. Кейинчалик мамлакатда нефт ва газ конлари ўзлаштирилиши ва экспортга чиқарилиши натижасида иқтисодиёт секин-асталик билан оёққа тура бошлайди ва унинг таркибий тузилмалари шаклланади.

Ҳозирги кунга келиб Форс кўрфази мамлакталари иқтисодиёти ривожланиб, кучли давлатлар қаторига қўшилишмоқда. Бунда энг асосий

омил сифатида нефт ва газ сектори ҳисобланади. Бундан ташқари, ушбу мамлакатлардан жаҳон нефт бозорида етакчи саналадиган ОПЕК ташкилоти доирасида ҳам катта ўринни эгаллайди. Форс кўрфази минтақасидан ОПЕК ташкилотига Эрон, Кувайт, Қатар, БАА, Саудия Арабистони мамлакатлари аъзо сифатида киради. Ишда ҳам ушбу давлатлар иқтисодий ривожланишида ёқилғи-энергетика саноати аҳамиятини очишга ҳаракат қиламиз.

Ҳозирги вақтда ушбу давлатлар иқтисодиёти динамик ривожланмоқда. 2009 йилда Саудия Арабистони ЯИМ 481.63 млн. АҚШ долл, Кувайт 159.09, Қатар 91.36, БАА 260.14 ва Эрон 344.82 млн. АҚШ доллариини ташкил этган бўлса, уларнинг киши бошига ЯИМ кўрсаткичлари – 19.405, 54.050, 106.610, 57.603 ва 4.837 минг Америка доллариға тенг бўлган, мувофқиқликда.

Ушбу давлатларнинг 2009 йилда умумий экспортиға келадиган бўлсак, унда нефт маҳсулотлари экспорти қиймати жуда катта қисмни ташкил этади. Саудия Арабистони жами экспорти миқдори 2009 йилда 304.36 млн. АҚШ доллариға тенг бўлган бўлса, унда нефт маҳсулотлари экспорти 93% (283.21 млн. АҚШ долл.) улушни ташкил этган. Кувайт давлати умумий экспорти 87.50 млн. АҚШ долл, унда нефт маҳсулотлари экспорти миқдори 96.5% (84.44 млн. АҚШ долл.) ни ташкил этган. Қатар умумий экспортида нефт маҳсулотлари улуши 69.6%, Эронда 82% га тенг. Шунга мос равишда мамлакатлар ЯИМ ўсиши динамик хусусиятға эға бўлмоқда. Жаҳонда давлатлар томонидан нефт ва газ маҳсулоотлари исмтеъмоли ошиши, унга бўлган нархларни ҳам кўтарилишиға олиб келади. Бу эса, нефт экспорт қилувчи давлатлар иқтисодий ривожланишини барқарор таъминлашға имконият яратиб беради.

Таъкидлаймизки, минтақа давлатлари нефт экспортининг улкан қисми хом нефтни ташкил этади. Саудия Арабистони кунлик хом нефт экспорти – 7.322 минг. баррелни, Кувайт – 1.739 минг барр., Қатар – 703 минг барр., БАА – 2.334 минг барр. ва Эрон давлати – 2.438 минг барр.ни ташкил этади. Агарда 2009 йил учинчи кварталда нефт нархлари миқдорида бўйича

ҳисобланадиган бўлса, мамлакат бюджети улкан валюта захираларига эга бўлишини англашимиз қийин эмас.

1.2.2-жадвал.


Форс кўрфази мамлакатлари иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари, 2009 й

№	Мамлакатлар	ЯИМ, млрд. АҚШ долл.	ЯИМ киши бошига млрд. АҚШ долл.	Умумий экспорт, млрд. АҚШ долл.	Нефт экспорти миқдори, млрд. АҚШ долл.	Хом нефт экспорти, кунлик барр.
1.	Саудия Арабистони	481.63	19.405	304.36	283.21	7.322
2.	Кувайт	159.09	54.050	87.50	84.44	1.739
3.	Қатар	91.36	106.610	55.96	38.95	703
4.	БАА	260.14	57.837	210	102.50	2.334
5.	Эрон	344.82	4.603	108.47	88.92	2.438

Муаллиф томонидан ОПЕС Annual Statistical Bulletin, 2009. маълумотлари асосида мустақил равишда тузиб чиқилди.

Юқоридаги жадвал маълумотларидан ҳам кўришимиз мумкинки, нефт саноати иқтисодий ривожланишдаги аҳамияти юқори. Бундаги эътиборни мамлакатлар ЯИМ, жами экспорт ва ундаги нефт маҳсулотлари экспорти қиймати улушига қаратмоқчимиз. Унда деярли ЯИМ ва умумий экспортнинг улкан қисми айнан нефт маҳсулотлари экспорти миқдорини ташкил этмоқда.

1.2.2.-чизма.



Манба: OPEC Annual Statistical Bulletin, 2009.

Форс кўрфази мамлактлари нефт ва газ саноати ривожланиши уларнинг ҳисоб балансига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. Саудия Арабистони ҳисоб баланси 2003 йилдан 2009 йилгача 8.3%, Кувайт 5%, Қатар 11.8%, БАА 6.9% ва Эрон 20.1% га ижобий равишда ўзгарган.

Умуман таъкидлаш мумкинки, Форс кўрфази мамлакатлари иқтисодий ривожланишида ёқилғи-энергетика саноатининг ўрни катта. Аввало мамлакатдаги иқтисодий модернизациялашув ва диверсификациялашув, таркибий тузилмаларининг шаклланиши, такомиллашуви, миллий иқтисодиёт барқарорлашуви ва ташқи бозорга рақобат бардошлиги ошиши, саноат ишлаб чиқариш маҳсулотлари кучайиши ҳамда жаҳон бозорида мустаҳкам ўрин эгаллашиши билан изоҳланади.

II БОБ. ЭРОН ЁҚИЛҒИ-ЭНЕРГЕТИКА САНОАТИ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ ХУСУСИЯТЛАРИ

2.1. Эрон ёқилғи-энергетика саноати шаклланиши шарт-шароитлари ва ҳозирги ҳолати таҳлили

Эрон ёқилғи-энергетика саноати – мамлакат саноати тармоқлари орасида нисбатан энг кучли ва тез суръатларда ривожланаётган соҳалардан бири ҳисобланади. Мамлакат ЁЭС да етакчи соҳалар сифатида нефт ва газ саноати секторларини алоҳида ажратиб кўрсатишимиз мумкин.

Эрон жаҳон нефт ишлаб чиқарувчилар орасида Саудия Арабистони, АҚШ ва Россия давлатларидан сўнгги тўртинчи ўринни эгаллайди. Мамлакат нефт захираларининг сумма қиймати 370 млрд. барр. (50 млрд. т.) ни ташкил этади. ОПЕК тақдим этган маълумотларга кўра 2009 йил Эронда аниқланган хом нефт захиралари 137.620 млн. барр. деб қайд этилган. Эроннинг йиллик нефт маҳсулотлари экспорти қиймати 88.92 млрд. АҚШ долл.ни, кунлик нефт ишлаб чиқариш 4.056 минг барр., бўлса, нефт маҳсулотлари экспорти суткасига 2.438 минг барр.ни ташкил этади⁶.

Мамлакат ёқилғи-энергетика саноати ривожланиши ва шаклланиши XX асрнинг 70-80 йилларга тўғри келади. Айни шу даврларда Англия, АҚШ сиёсатининг кучли босимларидан озод бўлган Эрон, Ислом Республикаси номи остида иқтисодиётни модернизациялаш ва либераллаштириш ислохотларини барқарор олиб боради. Натижада мсамлакат нефт ва газ сеткори шаклланиши даврлари бошланади. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, Эрон ёқилғи-энергетика саноати шаклланиши шарт-шароитларига нефт ва табиий газ ресурслари захиралари, улар конлари тадқиқ этилиши ва ишга туширилиши билан чамбар-час боғлиқдир.

Эрон нефт саноати сектори тўлиғича Эрон миллий давлат нефт компанияси (ЭМДК) (*Sharkat Malli Naft Iran; National Iranian Oil Company, NIOC*) назорат қилиб туради. Нефтни қидириш, қазиб чиқариш ва қайта ишлаш ишларини ЭМДК филиаллари амалга оширади. Уларнинг баъзилари хорижий компаниялар ҳисобланади, жумладан, *National Iranian South Oil Company, Central Iranian Oil Fields Company, National Iranian Central Oil Company, National Iranian Offshore Oil Company, National Iranian Drilling Company, Khazar Oil Exploration and Production Company, North Drilling Company, Iran Petro Development Company, Pars Oil and Gas Company, Petropars* ва бошқалар.

⁶ ОПЕК. Annual Statistical Bulletin 2008. P. 9. T1.

Маълумки, Эрон саноатидаги барча нефт захиралари Форс кўрфази нефт ва газ насос ҳавзалари (НГБ) да жойлашган. Ушбу НГБ лар сайёрада нефтни ҳаракатга келтирувчи энг катта куч ҳисобланади.

Мамлакатда нефт қонлари иқтисодий жиҳатдан соф қонлар сирасига тааллуқли бўлиб, қонларнинг фақатгина устки қисмларигина тадқиқ қилинган ва уларнинг ички ва туб чуқур қисмлари хали ишга тўлиқ туширилмаган. Бунга асосий сабаб қилиб, замонавий технологияларнинг мавжуд эмаслиги билан изоҳланади. Бирок тоза иқтисодий ёндашиладиган қонлар мавжуд бўлиб, булар мамлакатни қазилма даражасини 95 йил таъминлаб туриши мумкин.

Эрон нефт саноати шаклланиши шарт-шароитларига ундаги олиб орилаётган ишларни ҳам келтиришимиз мумкин. Эронда XX асрда нисбатан катта топилма ҳисобланган қонлар: булар – йирик Азадагон ва Ядаравон қонларидир. Улар ҳанузгача тўлиқ ишга туширилмаган. Форс кўрфази акваторида тахминан ўша йиллари Шимолий Форс, Соруш, Навруз каби қонлар очилган. Курфаз акваторида кенг кўламдаги қидирув-разведка ишларининг ривожланиб кетмасилиги асосий сабаби замонавий мувофиқ техника ва технологиялар мавжуд эмаслиги дейиш мумкин. Хорижий компаниялар таклиф этилиши, жумладан Америка, Европа компаниялари ва уларнинг инвестиция киритишларига қаршиликлар АҚШ томонидан Эронга нисбатан чиқарилган қонун ҳисобланади. Тўғри, Жанубий-Каспий НГБ га қидирувчи Каспийдаги Эрон акваторида Британиянинг ВР корпорацияси ушбу қўйилган қонунни четлаб ўтди, бироқ ушбу минтақада Эронлик қидирув-разведка ишларидаги ишчилар ва компанияларнинг қамлиги ҳамда ишларнинг самарасизлиги ҳеч қандай наф бермайди.

Каспий денгизи акваториясидаги бир қанча истикболли майдонлар Эрон қирғоқлари ва унинг (Озарбайжон ва Туркменистон) қўшниларига тегишли. Бу ҳам акваториядаги геология разведка ишлари суръатларига таъсир этади.

Эронда нефтни қазиб олиш коэффициентлари жуда ҳам паст бўлиб, унинг миқдори деярли 30% дан ошмайди. Шу сабабли ҳам ҳозирги вақтда ЭМНК ва нефт вазирлиги асосий эътибори янги нефт конларини қидириб топишга эмас балки, аниқланган нефт конларидан маҳсулотларни қазиб олиш даражасини оширишга катта эътибор қаратмоқда. Нефт қазиб олиш саноати олдида жорий ўн йиллик охирига мамлакат бўйича ўртача нефт қазиб олиш коэффициентини 35% гача етказиш борасида соҳани техник ва технологик қуроллартириш ҳамда янги қазув технологияларни жорий этиш вазифалари қўйилган.

2.1.3-жадвал.

Эрон нефт конлари

Конлар	Аниқланган захиралари, млн.т.	2009 йилда қазиб олиш, млн.т.	Эгалик қилаётган компаниялар
Ахваз-Асмари (Ahwaz-Asmari)	1 384	35	National Iranian Oil Company (NIOC) ⁷
Марун (Marun)	1 301	26	NIOC
Агаджари (Agha Jari)	1 192	10	NIOC
Гачсаран (Gachsaran)	1 164	24	NIOC
Бангестан (Bangestan)	890	7,9	NIOC
Новруз Сорӯш (Nowrooz Soroosh)	822	3	NIOC
Карандж Парси (Karanj Parsi)	637	10	NIOC
Раге-Сафид (Rag-e-Safid)	329	9	NIOC
Жанубий Форс (South Pars)	178*	5,15	AGIP (Италия)
Сирри (Sirri) А+Е/С+Д	164	6,5	NIOC
Салман (Salman)	110	6,5	NIOC
Доруд 1+2 (Dorood 1+2)	82	10	NIOC
Абузар (Abu Zar)	68,5	7	NIOC
Азадеган (Azadegan)	900*	Ишга туширилиш босқичида	NIOC
Ядеваран (Yadegar)	420*	Ишга туширилиш босқичида	NIOC

Манба: IR Iran Statistical Bulletin. Energy chapter. 2009-2010.

* – бошланғич қовланган захиралари

⁷ Эрон миллий нефт компанияси.

Эрон конлари орасида барча бойликларини ўзида сақлаб қолган нефт конларини ҳам учратиш мумкин. Бундай туркумдаги конларга Масжиди-Сулаймон (490 м.) Доруд ва Хандижон (3 350 м.), Дахлурон (3 630 м.), Ромин (3 720 м.) шулар жумласидандир.

Мамлакатда нефтни қазиб олиш 1996 йилдан бошлаб йилига 180 млн.т.ни ташкил этган бўлиб, 2005 йилдан бошлаб унинг миқдори 200 млн.т.га етган ва бу курсаткичи 2010 йилгача сақлаб қолинмоқда. Эрон ҳукумати, нефт саноатини шакллантириш борасида 2012 йилгача истиқболли ривожланиш режасини белгилаб олган:

1. Азадегон конининг 1-фазасини 2009 йилда тўлиқ ишга тушириш ва қазиб олиш даражасини йилига 5 млн.т.га ошириш;

2. Ушбу коннинг 2-фазасини 2012 йилда ишга тушириш ва унинг миқдорини 5,5 млн.т.га етказиш.

3. 2011 йилда Ядаравон конини ишга тушириш ва қазиб олиш миқдорини йиллик 15 млн.т.га етказиш.


4. 2010 йилда Кушк-Хуссайни конини ишга тушириш ва йиллик миқдорни 15 млн.т.га етказиш шулар жумласидандир.

Шу борада ушбу конлардан 2012 йилга қазиб олинган нефтдан тушган даромадларнинг умумий суммаси йиллик 50 млн.т.ни ташкил этиши режалаштирилмоқда. Ушбу натижаларга эришиш ва ривожлантириш ишларида Франциянинг “Total S.A.”, Италиянинг “ENI (AGIP)” ва Хитой давлатининг “China National Offshore Oil Company” лари иштирок этишга ишонч билдиришмоқда.

Таъкидлаш керакки, Эрон нефтни қайта ишлаш саноати ривожланиш даражаси бўйича нефтни қазиб чиқариш саноатини қувиб ўтмоқда. Нефтни қайта ишловчи Эрон заводларининг сумма қиймати 2009 йил охирида 78,3 млн.т.ни ташкил этган бўлиб, қувватлардан фойдаланиш 100% ни ташкил этмоқда.

2.1.3-чизма.

Эрон нефтни қайта ишлаш заводлари қуввати, 2009 й. млн.т.



Манба: IR Iran Statistical Bulletin. Energy chapter. 2009-2010.

2012 йилгача Эрон нефтни қайта ишлаб чиқариш саноатини ривожлантириш режасидаги биринчи ўринни Бандар-Аббосдаги НҚИЗ ни қайта қуриш ва кенгайтириш режаси катта ўрин эгаллайди. Ушбу объектда оғир нефтни қайта ишлаб чиқариш бўйича технологик ускуналар ўрнатилмоқда ва унинг йиллик қуввати 15 млн.т.гача етади. Буширда янги НҚИЗ қурилиши бошланди унинг йиллик қуввати 8.5 млн.т. ва Абадан, Эракэ, Бандар-Ассалуйе каби НҚИЗ лари қурилган бўлиб, улар йиллик қуввати барчасида 4 млн.т. деб баҳоланган. Теҳрон ва Табриз НҚИЗ лари кенгайтирилди. Қайта ишлаб чиқариш қувватларининг умумий ўсиши йилига 49 млн.т.дан ошиқ, шу билан биргаликда Абадон, Теҳрон ва Табризда янги ускуналар ўрнатилиб, Европанинг юқори сифатли автомобил бензинлари ишлаб чиқарилади.

Эрон ёқилғи-энергетика саноати шаклланишида мамлакат табиий газ захиралари ўз аҳамиятга эга. Эрон табиий газ захиралари 27.6 трлн.куб.м. бўлиб, жаҳонда Россиядан кейин иккинчи ўринни эгаллайди. 2009 йилда газ маҳсулотларини ишлаб чиқариш 127 млрд.куб.м.ни ташкил этган (жаҳон газ ишлаб чиқаришнинг 4%). Деярли барча қазиб олинган газ мамлакатда истеъмол қилинади ва унинг жуда кам қисми экспортга чиқарилади.

Мамлакат иссиқлик электро станциялари фаолияти ва энергия истеъмоли айнан табиий газ захиралари эвазига амалга оширилади.

Эрон табиий газ захираларининг асосий қисми Форс кўрфази газ конлари ҳавзасига тўғри келади. Тахминан Эрон қирғоқларидан 100 км.да жойлашган Жанубий Форс (South Pars) денгиз газ конденсати мавжуд бўлиб, у дунёдаги энг йирик денгиз газконденсати ҳисобланади. Ушбу газ кони 1990 йилларнинг бошларида очилган. У Эрон-Қатар чегараларига бўлинади ва Қатарнинг ҳудудудий сувларида Норт (North) номи билан машҳур. Охири расмий геологик кидирув баҳолари бўйича Эроннинг ушбу қисмида газ захиралари 14 трлн.куб.м.га етганлиги таъкидланмоқда. У ерда 18 млрд.барр. конденсат, 10-12 трлн.куб.м. қазиб олинган газ ва 8-10 млрд.барр. конденсат мавжуд деб баҳоланмоқда.

Катталиги жиҳатидан иккинчи ўринда Эронда Шимолий Форс (North Pars) кони ҳисобланиб, 1.13-2.8/ трлн.куб.м. захирага эга деб баҳоланмоқда. Кон 1960 йилларда очилган. Майдони 600 кв.км.ни ташкил этади. Чуқурлиги 2700-3000 м.

Умуман олганда шуни айтиш мумкинки, Эрон Ислон Республикаси ёқилғи-энергетика саноати шаклланиши шарт-шароитлари жиҳатидан мамлакат улкан табиий минерал хом ашё захиралари мавжуд, бироқ уларнинг кидириб топилиш, ишга туширилиши нуқтаи назаридан ҳукумат олдида талайгина муаммолар кўндаланг бўлиб турибди.

Муаммолар ички ва ташқи хусуусиятларга чамбар-час боғлиқ. Ички муаммоларга келадиган бўлсак, Эрон, АҚШ ва Англия давлатлари мустамлакаларидан озод бўлгандан сўнгги даврлар жаҳон иқтисодиётининг шиддатли равишда ривожланиши ва интеграциялашуви жараёнлари билан боғланиб кетади. Натижада Эрон олдида миллий иқтисодиётни ташқи бозордан ҳимоя қилган ҳолда унга қарши иқтисодиётни рақобат бардошлигини ошириш масалалари ўз ечимини кутиб турарди. Шу вақтда Эрон ҳукумати чет давлатлар ва халқаро молиявий институтлардан қарийиб 20 млрд. АҚШ долл. миқдоридан кредит олиши ва фоиз ставкаларининг

кўтарилиш оқибатида мамлакат ташқи қарздорлиги ошиб кетади. Иккинчидан мамлакат катта миқдордаги уран моддалари захираларига эга бўлиб, XX асрнинг 50-60 йилларида АҚШ томонидан бошланган ядро тадқиқотлари унинг кенг миқёсдаги ядро дастурини бошлашига ҳамда турли жабҳалардаги босимларни кутиб олишига олиб келиши мамлакатнинг ташқи муаммоларини келтириб чиқаради.

Юқоридаги баён этилган фикрлар Эрон ёқилғи-энергетика саноати шаклланишига бўлган шарт-шароитлардан тўлиғича фойдаланиш имкониятларини чегаралаб ташлади. Айниқса АҚШ ва Европа ҳамжамияти томонидан қўйилган турли иқтисодий санкциялар бунинг яққол мисоли бўлиши мумкин. Бу борада шуни қайд этиш керакки, 1996 йил августда Америка конгресси Эрон ва Ливия давлатларига қарши санкция тўғрисидаги қонунни тасдиқлади (ILSA). Санкциянинг моҳияти Америка давлатига тегишли бўлмаган компаниялар учун йилига мамлакат нефт ва газ секторларига 40 млн. АҚШ долл. миқдоридан ошиқ бўлмаган инвестиция киритишлари мумкинлиги белгиланган. Бу миқдор, 1997 йилда “ценз” инвестициялари натижасида 20 млн. АҚШ долл.га пасайтирилди.


ILSA Эронга нисбатан АҚШ томонидан биринчи санкция ҳисобланмайди. 1995 йил бошида президент Билл Клинтон Американинг турли компаниялари ва улар филиалларига ЭИР нефт ва газ секторини молиялаштириш ишларини бекор этиш ҳақидаги ҳукумат қарорини имзолайди. Қарор “Сопосо” нинг Сирри қонидаги “А” ва “Е” фазаларига киритган 550 млн. АҚШ долл. барбод бўлишига сабаб бўлади. Ундан ташқари: 1997 йил августда президент Клинтон яна, турли Америка фуқароларининг ЭИРда фаолият олиб боришини тақиқловчи 13059-сонли ҳукумат қарорини имзолайди; 1997 йил. АҚШ Эронга нисбатан Америка маҳсулотлари, технологиялар ва хизматлар реэкспортини бекор қилди. Ушбу таъқиқ қурбони хорижий воситачи компанияларга тааллуқли бўлиб кетди; 1998 йил. Россия Эрон билан Буширда АЭС қурилишида шартнома имзолади. Бир неча ойлар ўтиб, АҚШ Эрон ядро ва ракета дастурларига

алоқадор бўлган Россиянинг 10тача фирмаларига иқтисодий санкция қўллади; 1999 йил. АҚШ Эронга озиқ-оқват ва тиббиёт маҳсулотларини экспорт қилишга рухсат берди, бироқ ҳар бир ҳолатда экспортёр-компаниялар махсус рухсатнома олишлари мажбур қилиб белгиланган. Бундан ташқари, АҚШ ҳукумати шунга ўхшаш келишувларни молиялаштиришни ёки кафолатлашдан бош тортди; 2000 йил. АҚШ Эронга нисбатан санкциясини енгиллатди, ҳамда кенг истеъмол маҳсулотлари гиламлар, икралар, хандон писталар, қуритилган мевалар ва бошқа маҳсулотлар экспортига рухсат берилди. Сал ўтиб аналогик равишда санкция ўз кучида қолди; 2001 йил. АҚШ конгресси 1996 йилги қонунни чексиз муддатга узайтирди узайтирди; 2002 йил АҚШ Эроннинг БСТга кириш аризасига тўсиқлар қўяди. Кўриб ўтганимиздек, бу каби турли иқтисодий-сиёсий босимлар Эрон ёқилғи-энергетика саноати шаклланиш шарт-шароитларини амалга ошириш имкониятларини бир мунча чеклаб ташалди бироқ, мамлакатда олиб борилган кенг қўламдаги ислохотлар Эрон ёқилғи-энергетика саноати ривожланишига олиб келди.

Ҳозирги кунда мамлакат ёқилғи-энергетика саноати айниқса, нефт сектори жадаллик билан ривожланмоқда. 2009 йил нефт қазиб олиш миқдори 1998 йилга нисбатан 89.7% га ошган. Бироқ 2008 йилда йиллик нефт қазиб олиш кўрсаткичи 209.8 млн. т.ни ташкил этган бўлса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида унинг миқдори 201.1 млн.т. қайд этган.

2.1.4-чизма.

Эрон нефт казиб олиш динамикаси, млн. т.



Манба: IR Iran Statistical Bulletin. Energy chapter. 2009-2010.

Мамлкатда ёқилғи-энергетика саноатини диверсификациялаш ислохотлари ҳам жадаллик билан олиб борилмоқда. Бугунги кунда Эронда барча нефт секторидида нефт хом ашёсини қайта ишлаш натижасида 35% ўрта дистирланган мойлар, 33% мазут, 9% керосин, 19% бензин ва уш каби маҳсулотлар олинмоқда. Шу мувофиқ улар истеъмоли ҳам тез суръатларда ўсиб бормоқда.

Ҳозирги вақтда Эрон Ислон Республикаси ёқилғи-энергетика саноати ривожланиш даражаси нуқтаи назаридан жаҳон давлатлари орасида етакчи ўринга чиқиб олмоқда. Ундан келадиган даромадлар иқтисодиётнинг бошқа секторлари ривожланишини таъминлаши билан бир қаторда мамлакат аҳолиси ижтимоий ҳаёт даражасини оширишга икониёт яратиб бермоқда.

2.2. Эрон ёқилғи-энергетика саноатида хорижий инвестициялар иштироки хусусиятлари

Жаҳон иқтисодиётидаги турли давлатлар саноати ривожланган ва ривожланаётган давлатларда ёқилғи-энергетика саноати иқтисодиёт ривожланишининг энг муҳим жиҳати ҳисобланади. Миллий иқтисодиёт хўжалик юритувчи субъектларини ёқилғи- энергетика саноати маҳсулотлари

билан таъминлаш – замонавий ишлаб чиқаришнинг зарурий шарт-шароитларидан биридир.

Эронда ЁЭМ аҳамияти ва уни ривожлантириш кенг миқёсда хорижий инвестициялар миқдорига боғлиқ. Айнан Эронда 2002 йилда мамлакатда хорижий капитал киритмалари оқимларини сифат жиҳатидан янги босқичини ифодаловчи ҳамда хорижий инвесторларнинг ЭИР ҳудудида ушбу соҳани такомиллаштириш, инвесторлар фаолияти ва имкониятлари кафолатларини таъминлашга катта хизмат қиладиган “Хорижий инвестицияларни ҳимоялаш ва жалб этиш ҳақида” қонун кучга кирди⁸. Шу билан биргаликда ЭИР да хорижий инвестициялар билан боғлиқ, ҳамда мамлакатда хорижий инвесторлар фаолияти таҳлиliga бағишланган қонунчилик тартиблари масалалари кенг ёритилган.

Қонуннинг чиқиши ва ижро юзасидан Эрон Ислон Республикаси қонунчилик тарихида энг кўп амалга оширилган ишлар айнан ушбу қонун асосида қилинган фаолиятлар ҳисобланади. Жумладан ушбу қонун юзасидан хорижий инвесторларнинг ёқилғи-энергетика саноати ривожланиши ва такомиллашуви борасидаги ишлар колмплекс ёритиб берилган.

Эрон инвестицион қонунчилигига мувофиқ, ЭИР ёқилғи-энергетика саноатида хорижий инвесторлар юридик ва жисмоний шахслар бўлиши мумкин. Бундан ташқари Эрон Республикаси фуқаролари мамлакат ҳудудида нефт ва газ секторида инвестицион фаолликни амалга ошириш хорижий инвестицияларни ҳимоялаш ва жалб этиш тўғрисидаги қонун доирасидаги тартиб-қоидалар бўйича амалга оширишлари мумкин.

Эрон нефт ва газ саноати ривожланиши йўлидаги ҳамда ундаги хорижий инвестициялар иштироки тўғрисидаги қонунчиликка биноан, мамлакат ҳудудига олиб кирилаётган молиявий (пуллар, қимматбаҳо қоғозлар), ҳамда номолиявий (фуқаролар объекти ҳуқуқи ва мол-мулклари) шаклидаги хорижий капиталлар куйидаги категорияларга ажратилади:

⁸ 16709 сонли расмий газета. 13 июл 2002 йил. (Ушбу қонун юзасидан Тижорат газетаси махсус сонида батафсил танишиш мумкин).

- Эронда конвертация қилинадиган қаттиқ валютадаги инвестицион пуллар банк тизими ёки бошқа йўллар билан олиб кирилиш мумкин, бироқ ЭИР Марказий Банки тасдиқномаси ва розилигига биноан;

- машина ва ускуналар;

- эҳтиёт қисмлар ва унинг ташкил этувчилари, қўшимча деталлар ва хом ашё;

- патентлар, “ноу-хау” технологиялари, савдо маркалари ва махсус хизматлар;

- хорижий инвесторнинг чет элдан ўтказаетган дивидентлари шулар жумласидандир.

Эрон ёқилғи-энергетика мажмуасига ва бошқа объектларга киритилаётган хорижий инвестициялар мамлакатнинг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда инвестицион фаолликни бевосита тартибга солиб турувчи ЭИР инвестиция, иқтисодиёт ва техник фаолият бўйича ташкилоти (ЭИИТФТ) ҳисобланади. Ундан ташқари манфаатдор ва вазирлик ости ташкилотлар, жумладан божхона, солиқ қўмитаси, инвестиция рағбатлари ташкилотлари каби турли муассасалар хорижий инвестициялар иштироки ва фаолиятини тартибга солиб, назорат қилиб туришади.


Эрон ёқилғи-энергетика саноатига жалб этилаётган хорижий капитал кўйилмаларни амалга оширишнинг тартибларига келадиган бўлсак. Ушбу процедурада хорижий инвестицияларни жалб этишда тақдим этиладиган рухсатномалар бир нечта босқичлардан иборат. Биринчи босқичда соҳавий вазирликларда инвестицион лойиҳа розиликлари кўриб чиқилади, иккинчи босқичда ЭИИТФТ хулосаси киритилади, учинчи босқичда Хорижий инвестицияларни ҳимоялаш ва жалб этиш бўйича комиссия (ХИХЖК) тасдиқномаси кўриб чиқилади ва тўртинчи босқичда иқтисодиёт ва молия вазирлиги якуний қарори киритилади ва Эрон Ислом Республикаси Ҳукумати қарори чиқади. Санаб ўтилган ушбу тўртта босқичда инвестицион лойиҳа мақулланса, хорижий инвесторлар фаолияти мамлакат ҳудудида амалга оширилиш бошланади. Ҳар қандай инвестицион лойиҳа Эрон қонунчилигига

мувофиқ 15 иш кунда кўриб чиқилиши ва мувофиқ қарор берилиши шарт деб белгиланган.

Бундан ташқари Эрон хорижий инвестицияларни мамлакат нефт ва газ секторига жалб этиш бўйича ташқи таъсирлар ҳам мавжуд. Хусусан Вашингтон иқтисодий санкциясига мувофиқ, 1995 йилда мамлакат ҳудудига киритилган Америка компаниялари ва уларнинг хорижий шўъба фирмаларига Эрон нефт ва газ ресурсларини молиялаштириш бўйича ҳар қандай шартнома тузишни бекор қилинади. 1996 йилдан бошлаб Эрон ва Ливияга (Iran-Libya Sanctions Act – ILSA) қарши АҚШ Акти фаолият кўрсатмоқда. Унга кўра турли бир компания Эрон ёки Ливия давлатлари нефт ва газ секторларига йилига 20 млн. АҚШ долл.дан ошиқ инвестиция жалб этишса, уларга нисабатан АҚШ томонидан кучли иқтисодий босимлар амалга оширилади. Айнан ушбу санкциялар хорижий инвесторлар фаолиятига жуда катта тўсик бўлиб қолмоқда. Бироқ Англиянинг Бритиш петролиум корпорацияси ҳеч бир санкция қаршиликларига қарамасдан Эрон нефт ва газ саноатида фаолиятини давом эттираётган ягона корпорация ҳисобланади. Шу сабабли Эрон нефт саноати мамлакатнинг унга бўлган талабини қондириш қуввати етарли эмас. Хусусан 2009 йилда 72.4 млн. т. нефт ишлаб чиқарилган бўлса, мамлакат истеъмол талаби 78.9 млн. т. ни ташкил этган.

2.2.5-чизма.

Эрон нефт ишлаб чиқариш ва истеъмол динамикаси, млн. т.



Манба: IR Iran Statistical Bulletin. Energy chapter. 2009-2010.

ЭИР конституцияда, хорижий компаниялар учун мамлакат минерал ресурсларига эгалик қилиш бекор қилинади деган жумлалар мавжуд.⁹ Энергетика сеткорида хорижий инвесторлар мулкчиликнинг ҳар қандай шакли бўлишидан қатъий назар эгалик қилиш ва маҳсулотнинг маълум улушига эгалик қилиш имконияти йўқ. Фақатгина 1995 йилдан бошлабгина хорижий фирмалар учун хизмат шартномаларини тузиш ҳуқуқи тақдим этилди. Бу шартнома «buy-back» деб номланиб, унда шартномачи (контрактор) конларни эгалик қилиш бўйича барча ишларни молиялаштиради ёки конларга олинган компенсацияни алмаштирган ҳолда кидирув ишларини олиб боради. Бу компенсация конлардан олинган биринчи маҳсулот ёки лойиҳа тугаллангандан сўнгги бир неча йиллар давомида даромадни таъминлаш ва бошланғич капитал қўйилмаларни (банк фоизларини қўшган ҳолда) қоплаб бериш ҳуқуқидир. Бу шартнома тизими ҳеч бир томонни қаноатлантормайди. Кўп ҳолларда бу халқаро нефт компанияларининг эътирозларига сабаб бўлади, уларнинг фикрича фойда меъёри (rates of return) ва унинг ниҳоятда мураккаблиги ҳамда доимий равишда шарномаларни кўздан кечириш ҳоллари хорижий компанияларни тинкасини қуритиган.

Бироқ йирик компанияларнинг иштирокисиз Эрон давлати мустақил равишда конларни ўзлаштира ёки уни ишга тушира олмайди. Шунга қармай йирик хорижий компаниялар Эронда фаолият олиб боришмоқда.

Шундай устувор инвестиция лойиҳалардан бири Эроннинг таббий газ захиралари бўйича энг йирик газ кони Жанубий Форс шулар жумласидандир. Бугунги кунда Жанубий Форс кони ўзлаштирилиши бир неча фазаларга бўлиниб, унда хорижий инвесторлар фаол иштирок этишмоқда.

Фазаларнинг ҳар бирини ишга тушириш 225 млрд. куб.м. газ захиралари билан чегараланади. Бугунги кунда Жанубий Форснинг 18 та фазаси ишга туширилиш босқичида турибди. Ҳар бир фазадан кунига 28 млн.куб.м. таббий газ (йилига 10.3 млрд.куб.м.), кунига 40 минг барр.

⁹ The Constitution of the IR Iran. p 35.

(йилига 1.7 млн.т.) газ конденсати, 500 минг т. суютирилган нефт газ ва 200 т. хом ашё мавжуд деб баҳоланган. Лойиханинг биринчи беш фазаси фаолият кўрсатмоқда ва 6-10 фазалари қурилиш объектидадир.

2.2.4-жадвал

Жанубий Форс конининг ишга туширилиш босқичлари

Фазалар	Компаниялар	Мақоми
1	Petropars	2004 июлдан фаолият кўрсатмоқда
2-3	Консорсиумлар: TotalFinaElf (Франция) – 40%, Petronas (Малайзия) – 30%, ОАО «Газпром» – 30%	2002 июлдан фаолият кўрсатмоқда
4-5	Petropars – 20%, Eni (Италия) – 80%	2004 октябрда фаолият кўрсатмоқда
6-8	Petropars, Statoil (Норвегия)	2008 йилдан фаолият бошлаган
9-10	Iran Offshore Engineering & Construction, LG Engineering & Construction (Жанубий Кореянинг LG улуши – 42%)	2009 йилдан фаолият бошлаган
11	Total Fina Elf	2009 йилдан фаолият бошлаган
12	Eni билан музкоралар олиб борилмоқда; қутилаётган ҳамкорлар – Англиянинг BG Group ва Petropars	2009-2010 йилардан фаолият олиб боради
13	АҚШ Shell компанияси билан музқора олиб борилмоқда	Ишга туширилиш муддати аниқ эмас
14	Petropars, China National Petroleum Corp (CNPC Хитой)	Ишга туширилиш муддати аниқ эмас
15-16	Норвегиянинг Aker Kvaener раҳбарлиги остида Эрон ва хорижий компаниялар таркибидаги консорциум	Ишга туширилиш муддати аниқ эмас
17-18	Савдо ишлари олиб борилмоқда	Ишга туширилиш муддати аниқ эмас

Манба: IR Iran Statistical Bulletin. Energy chapter. 2009-2010.


Жанубий Форс конининг 17-18 фазаларида иштирок этишга Ҳиндистоннинг Oil & Natural Gas Corp., Indian Oil Corp., Oil India Ltd. ва GAIL Ltd. фирмалари таклиф киритшмоқда. 2008 йилда Жанубий Форс конидан тахминан 160 млрд.куб.м табиий газ қазиб олинган.

Кейинги йилларда Эронда олиб борилган инвестиция борасидаги барқарор ислохотлар натижаси ўлароқ мамлакатнинг ёқилғи-энергетика

саноати ривожланишига катта миқдорда хорижий инвестициялар жалб қилиниши билан биргаликда иқтисодиётнинг турли соҳаларига ҳам капитал кўйилмалари миқдори ошиб бормоқда. Мамлакатда 2010 йилга иқтисодиётда инвестициялар 34.185 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, унинг катта миқдори тоғ-кон саноатида нефт ва табиий газ конларини ўзлаштириш ва ишлаб чиқаришга йўналтирилган инвестицияларни қайд этади. Умуман олганда 2000 йилдан эътиборан 2010 йилгача Эрон ёқилғи-энергетика саноати ривожланишида хорижий инвестициялар оқими жуда юқори бўлган. Хусусан 2000 йилда нефт ва газ секторига жалб этилган хорижий инвестицияларнинг мамлакат умумий инвестициялардаги улуши 2.7% ни ташкил этган бўлса, 2008 йилга келиб бу кўрсаткич 32% га тенг бўлган. 2009 йилда жаҳон иқтисодиётида юзага келган молиявий – инқироз мамлакат инвестиция сиёсатида ҳам ўз таъсирини ўтказди. 2009 йилда Эрон нефт ва газ секторига жалб этилган хорижий инвестициялар улуши умумий инвестицияларда 2.1% ни ташкил этган¹⁰. 2010 йил иккинчи чорагидан бошлаб нисбатан ижобий ўзгариш кузатилмоқда.

2.2.6-чизма

Эрон ёқилғи-энергетика саноатига жалб этилган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг мамлакат умумий инвестициялардаги улуши, % да




Манба: Statistical Center of IRI. 2009-2010 (1st Quarter).

¹⁰ Кўрсаткичлар Ministry of Petroleum and Ministry of Energy, Statistics of Approved Foreign Investment under the Foreign Investment Promotion and Protection Act (FIPPA) маълумотлари асосида таҳлил қилинган.

Эрон Ислом Республикаси статистика маркази томонидан тақдим этилган маълумотларга мувофиқ, 2009-2010 йиллар давомида мамлакатга жалб этилган тўғридан-тўғри инвестицияларда энг юқори улуш Осиё минтақасига тегишли бўлиб, кейинги ўринларда Европа ва Африка давлатлари катта улушига эга.

2.2.7-чизма



Манба: Statistical Center of IRI. 2009-2010 (1st Quarter).

Мамлакат ёқилиғи-энергетика саноатида хорижий инвестицияларнинг иштироки хусусиятлари шундан иборатки, иқтисодиётни либераллаштириш шароитида саноат секторида хорижий инвестициялар оқимлари турли сабабларга кўри тақиқланган бўлса, кейинги вақтларда ҳукумат томонидан кўплаб чекловларнинг олиб ташланиши натижасида нефт ва газ саноатига капитал қўйилмалар миқдори ошиб борган. Айтиш мумкинки, Эроннинг хорижий инвестициялар бўйича устувор ҳамкорлари асосан Осиё давлатларидан Хитой, Жанубий Корея, Япония, Ҳиндистон ва Малайзия давлатлари ҳисобланишади. Мамлакат ёқилғи-энергетика саноатида уларнинг ҳиссаси юқори бўлиб, асосан нефт ва газни қайта ишлаш ва қувурлар орқали экспортни ривожлантиришга йўлантирилаётган инвестициялар ҳисобланади. Ундан ташқари Европа Иттифоқи минтақасидан Германия, Франция ва Англия давлатлари Эрон ёқилғи-энергетика саноатида замонавий технологиялар билан иштироки ўзига хос аҳамиятга эга.

ХУЛОСА

Глобал инқирознинг Эрон ёқилғи-энергетика саноати ривожланишига таъсири борасида тадқиқ этилганлар асосида қуйидаги хулосаларга келинди.

1. Ёқилғи-энергетика саноати (ЁЭС) моҳияти ва унинг таркибий тузилмаси борасида кўпалб иқтисодчи олимлар томонидан ўрганилган. Шу борада ёқилғи-энергетика саноати тушунчасига бўлган ёндашувлар тадждрижий ривожланиб такомиллаштириб борган. Шу нуқта назардан аблатта, кўплаб изланишлар асосида ўзимиз учун тўлиқ деб ҳисоблайдиган тушунамизга тўхталинди. Бу “Ёқилғи-энергетика саноати – ёқилғи қазиб чиқариш, қайта ишлаш, электроэнергияларни ишлаб чиқариш, транспортларга юклаш ва тақсимлашдаги барча жараёнлар мажмуаларидан бири ҳисобланади”. У асосий уч қисмдан: ёқилғи саноати, электроэнергетика ва инфратузилмалардан иборат.

Ёқилғи-энергетика мажмуаси (ЁЭМ) таркибий тузилмасига тўхталадиган бўлсак. ЁЭМ – ёқилғи энергетика ресурсларини қазиб чиқариш бўйича материалларни ўрнатиш, ялпи ишлаб чиқариш, жараёнлар, уларни худди шунингдек қайта ташкил этилиши, транспортларга юкланиши, тақсимланиши, истеъмол қилиниши каби мураккаб тизимни ўзида акс эттиради.

ЁЭМ таркибий тузилмасига ўзаро фаолият кўрсатувчи тизимлар киради: ёқилғи саноати тармоғи (кўмир, нефт, табиий газ), энергия ташишда қайта ташкил этилган электро энергетика ва қазиб чиқариш тизим остилари шулар жумласидандир. Бу тизим остилар энергетик машинасозлик, электро техника, саноатнинг атом соҳаси ва ёқилғи ҳамда энергия истеъмолидаги барча соҳалар билан қалин алоқадар.

2. Иқтисодиёт ривожланишида ёқилғи-энергетика саноатининг ўрни ниҳоятда беқиёс ҳисобланади. Бу айниқса, ундаги минерал хом ашё заҳилари давлатларида янада яққолроқ ифодаланди.

Шу ўринда айтиш ўринлики, ёқилғи-энергетика мажмуаси жаҳон иқтисодиётида муҳим ролни ўйнайди, шунингдек унинг маҳсулотларисиз

иқтисодиётдаги кўплаб соҳа ва тармоқлар ўз фаолиятларини амалга ошира олмайди.

Ҳозирги кунга келиб Форс кўрфази (ФК) мамлакталари ОПЕК ташкилоти доирасида катта ўринни эгаллайди. 2009 йилда Саудия Арабистони ЯИМ 481.63 млн. АҚШ долл, Кувайт 159.09, Қатар 91.36, БАА 260.14 ва Эрон 344.82 млн. АҚШ доллариини ташкил этган бўлса, уларнинг киши бошига ЯИМ кўрсаткичлари – 19.405, 54.050, 106.610, 57.603 ва 4.837 минг Америка долларига тенг бўлган, мувофқиқликда.

Ушбу давлатларнинг 2009 йилда умумий экспортига келадиган бўлсак, унда нефт маҳсулотлари экспорти қиймати жуда катта қисмни ташкил этади. Саудия Арабистони жами экспорти миқдори 2009 йилда 304.36 млн. АҚШ долларига тенг бўлган бўлса, унда нефт маҳсулотлари экспорти 93% (283.21 млн. АҚШ долл.) улушни ташкил этган. Кувайт давлати умумий экспорти 87.50 млн. АҚШ долл, унда нефт маҳсулотлари экспорти миқдори 96.5% (84.44 млн. АҚШ долл.) ни ташкил этган. Қатар умумий экспортида нефт маҳсулотлари улуши 69.6%, Эронда 82% га тенг. Шунга мос равишда мамлакатлар ЯИМ ўсиши динамик хусусиятга эга бўлмоқда. Жаҳонда давлатлар томонидан нефт ва газ маҳсулоотлари исмтеъмоли ошиши, унга бўлган нархларни ҳам кўтарилишига олиб келади. Бу эса, нефт экспорт қилувчи давлатлар иқтисодий ривожланишини барқарор таъминлашга имконият яратиб беради.

3. Эрон ёқилғи-энергетика саноати ривожланиши ва шаклланиши ХХ асрнинг 70-80 йилларга тўғри келади. Айни шу даврларда Англия, АҚШ сиёсатининг кучли босимларидан озод бўлган Эрон, Ислон Республикаси номи остида иқтисодиётни модернизациялаш ва либераллаштириш ислоҳотларини барқарор олиб боради. Натижада мсамлакат нефт ва газ сеткори шаклланиши даврлари бошланади. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, Эрон ёқилғи-энергетика саноати шаклланиши шарт-шароитларига нефт ва табиий газ ресурслари заҳиралари, улар конлари тадқиқ этилиши ва ишга туширилиши билан чамбар-час боғлиқдир.

Ундан ташқари Эрон ёқилғи-энергетика саноати шаклланиши шарт-шароитларида битта тўсик мавжуд бу хам бўлса, АҚШ санкцияси хисобланади. Санкиця мамлакат нефт ва газ секторай ривожланишига жиддий тўсик бўлиб ткрибди. Бироқ мамлакат ушбу соҳаси динамик ривожланмоқда.

Ҳозирги вақтда Эронда ёқилғи-энергетика саноатини диверсификациялаш ислохотлари жадаллик билан олиб борилмоқда. Бугунги кунда Эронда барча нефт секториди нефт хом ашёсини қайта ишлаш натижасида 35% ўрта дистирланган мойлар, 33% мазут мойи, 9% керосин, 19% бензин ва шу каби маҳсулотлар олинмоқда. Шунга мувофиқ улар истеъмоли хам тез суръатларда ўсиб бормоқда.

4. Эрон ёқилғи-энергетика саноатига хорижий инвестициялар жалб этилиши учун кулай инвестицион иқлим мавжуд. Албатта, унинг амалга оширишида мамлакатда бой инвестицион қонунчилик шакллантирилган ва амалга оширилган.

Кейинги йилларда Эронда олиб борилган инвестиция борасидаги барқарор ислохотлар натижаси ўлароқ мамлакатнинг ёқилғи-энергетика саноати ривожланишига катта миқдорда хорижий инвестициялар жалб қилиниши билан биргаликда иқтисодиётнинг турли соҳаларига хам капитал кўйилмалари миқдори ошиб бормоқда. Мамлакатда 2010 йилга иқтисодиётда инвестициялар 34.185 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, унинг катта миқдори тоғ-кон саноатида нефт ва табиий газ конларини ўзлаштириш ва ишлаб чиқаришга йўналтирилган инвестицияларни қайд этади. Хусусан 2000 йилда нефт ва газ секторига жалб этилган хорижий инвестицияларнинг мамлакат умумий инвестициялардаги улуши 2.7% ни ташкил этган бўлса, 2008 йилга келиб бу кўрсаткич 32% га тенг бўлган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари

1.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т: Ўзбекистон, 2003. - 40 б.

1.2. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги қонуни. //Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари: II-китоб. - Т.:”Иқтисодий ва ҳуқуқ дунёси”, 1999. - 140-153-бетлар.

1.3. Ўзбекистон Республикасининг “Чет элолик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги қонуни. //Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари: II-китоб. - Т.:”Иқтисодий ва ҳуқуқ дунёси”, 1999. - 154-160-бетлар.

1.4. Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонуни. Халқ сўзи газетаси, 2000 йил 13 июнь.

1.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 881-сонли «Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш мақсадида Ислом бағрикенглиги жамғармасига кириши» тўғрисидаги қарори. 29.05.2008 й.

1.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1092-сонли «2009 йилда экспорт маҳсулотларини барқарорлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар» тўғрисидаги қарори. 08.04.2009 й.

1.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1073 сонли «Инқирозга қарши давлат дастурига қўшимча равишда киритилган инфратузилма объектларни амалга ошириш бўйича қўшимча-чора тадбирлар» тўғрисидаги қарори. 17.03.2009 й.

1.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 969-сонли «2009 йилда Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастури тўғрисида» қарори 02.10.2008 й.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ва маърузалари

2.1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. - Т.: Ўзбекистон, 1992. – 74 б.

2.2. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари. – Т.: Ўзбекистон, 1993. - 66 б.

2.3. Каримов И.А. Иқтисодий ислоҳот: масъулиятли босқич. – Т.: Ўзбекистон, 1994. - 44 б.

2.4. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари - Т.: Ўзбекистон, 1995. - 74 б.

2.5. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 1995. - 269 б.

2.6. И.А.Каримов “Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларини чуқурлаштириш йўлида” . Т.: “Ўзбекистон” , 1995. 104 б.

2.7. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. - 326 б.

2.8. Каримов И.А. Мулкдорлар синфини шакллантириш - ислохотларнинг бош мезони. //Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. - Т.: Ўзбекистон, 1997. 5-том. -332-339 б.

2.9. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. - Т.: Ўзбекистон, 1998. - 68 б.

2.10. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интиломда. – Т.: Ўзбекистон, 1999. - 48 б.

2.11. Каримов И.А. Иқтисодий эркинлаштириш ва чуқурлаштириш - Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашнинг асоси - Т.: Ўзбекистон, 2000. - 285 б.

2.12. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. Т.: «Ўзбекистон», 2001. – 161 б.

2.13. И.А. Каримов “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз”. Т. 8 Т.: “Ўзбекистон”, 2002.-365-366 б.

2.14. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 96 б.

2.15. Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. //Президент И.А. Каримовнинг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг усутувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасидаги маърузаси. – Т.: Халқ сўзи. 2006 йил 11 февраль. №29 (3828). 2-бет.

2.16. Каримов, Ислам Абдуғаниевич. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари.-Т.: Ўзбекистон, 2009.-10 б.

III. Китоблар ва монографиялар

3.1. Адвокушин Е.Ф. Международные экономические отношения. – М.: Информационно-внедрческий центр «Маркетинг», 2000. – 320 с.

3.2. Александров И.А. Монархии Персидского залива: этап модернизации. - М.: Издательство «Дело и Сервис», 2000. - 544 с.

3.3. Алимов Р.М. Центральная Азия: общность интересов. – Т.: «Шарк», 2005. – 464 с.

3.4. Гитман Л.Дж., Джонк М.Д. Основы инвестирования. Пер.с.-анг-М. Дело.: 1997 г.

3.5. Жданов Н.В. Исламская концепция мирового порядка. М.: Международные отношения, 1991. – 128 с.

3.6. Зиядуллаева Л.С. Развитие промышленности и многоукладной экономики в экономической политике развивающихся стран (Ближний Восток). – Т.: Изд-во ”Маяк Востока” (ТашГИВ), 2002. – 228 с.

- 3.7. Лукашук И.И. Международное право. Особенность. – М.: БЕК, с 93.
- 3.8. Ибрагимов Н. и др. Узбекистан: государство и его лидер. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 220 с.
- 3.9. Н.М. Мамедова. Иран и СНГ. Москва 2003. 220 стр.
- 3.10. Международные экономические отношения. //Под общ. ред. В.Е. Рыбалкина. М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2001. – 424 с.
- 3.11. Могзоев А.М. Развитие экономики стран Восточной Азии и инвестиционная модель региона России. – М.: Наука, 2004. – 316 с.
- 3.12. Мировая экономика. Экономика Зарубежных стран: учебник / Под ред. д-ра экон. наук, проф. В.П. Колесова и др. М.: - Флинта: 2001. – 113 стр.
- 3.13. Портер М. Международная конкуренция. Пер. с англ. Под ред. И с предисловием В.Д. Щетинина. М.: Международные отношения, 1993. – 896 с.
- 3.14. Расулев А., Бедринцев А., Акилов А. Узбекистан: внешнеэкономическая деятельность и интеграция в мировое хозяйство. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 80 с.
- 3.15. Сирожиддинов Н. Проблемы повышения эффективности внешней торговли Узбекистана: теоретико-методологические аспекты. Монография. Ташкент – 2004. – 224 с.
- 3.16. Терехов А. Свобода торговли (анализ опыта зарубежных стран). – М.: Экономика, 1991. – 190 с.
- 3.17. Тухлиев Н.Т., Таксанов А. Национальная экономическая модель Узбекистана. – Т.: “Ўқитувчи”, 2000. – 246 с.
- 3.18. Тўхлиев Н.Т., Ҳақбердиев Қ.Қ., Эрмаматов Ш.Ж., Холматов Н.Б. Ўзбекистон иқтисодиёти асослари. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – 280 б.
- 3.19. Узбекистан: десять лет по пути формирования рыночной экономики. /Колл. авт.: Р.А. Алимов, А.К. Бедринцев, А.Ф. Расулев и др. //Под ред. А.Х. Хикматова. – Т.: Ўзбекистон, 2001. -352 с.
- 3.20. Устинов И.Н. Мировая торговля: статистическо-энциклопедический справочник. //И.Н. Устинов. – М.: ЗАО “Издательство “Экономика”, 2002. – 848 с.
- 3.21. Фридман Л.А., Видясова М.Ф. Страны Центральной Азии перед лицом глобальных ”вызовов” начала XX века. – Вестник МГУ. – Серия 13. № 1. – М.: МГУ, 2002.
- 3.22. Черников Г.П. Мировая экономика. М.: Дрофа, 2003. – 432 с.
- 3.23. Шарифходжаев М. Формирование открытого гражданского общества в Узбекистане. – Т.: ”Мир экономики и права”, 2002. – 272 с.

IV. Илмий мақолалар ва брошюралар

- 4.1. ۱۳۸۲، ايران آمار مرکز ۱۳۷۰- ۱۳۸۰ ايران ملي حسابهاي و برنامه سازمان سال ۱۳۷۵، تا اجتماعي اقتصادي، آمارهاي زماني سري آماري مجموعه
- 4.2. فارس خبرگزاري ايران، نفتي هاي پروژه در خارجي گذاري سرمايه جذب بزرگ مانع ۵
۱۸/۰۲/۱۳۸۴

4.3. А.М. Бескодаров. Мировое энергетическое хозяйство. Иранский газ: страновой, региональный и глобальный аспекты. (Инст-т изуч. Израиля и Ближнего Востока). М.: 2005.

4.4. Н.М.Мамедова. Иранский опыт развития в условиях исламского правления и его значение для России. Инст-т (Инст-т изуч. Израиля и Ближнего Востока). М.: 2006.

4.5. В.П. Цуканов. О влиянии нефтяных шоков на исполнение бюджетов и финансовую политику Ирана в период 60-х – 90-х годов. (Инст-т изуч. Израиля и Ближнего Востока). М.: 2007.

4.6. А.М. Бескадаров. Основные тенденции развития нефтегазовой отрасли Ливии, Ирака и Ирана в конце XX – начале XXI веков. (Инст-т изуч. Израиля и Ближнего Востока). М.: 2005.

4.7. В.И. Сажин. К вопросу об Ирано-Азербайджанских отношениях. (Инст-т изуч. Израиля и Ближнего Востока). М.: 2006.

4.8. Е.В. Дунаева Иран И страны ОЭС: десять лет сотрудничества в расширенном составе. (Инст-т изуч. Израиля и Ближнего Востока). М.: 2008.

4.9. С.М. Задонский. Современное состояние Ирано-Китайских отношений. (Инст-т изуч. Израиля и Ближнего Востока). М.: 2009.

4.10. А.К. Константинов США - Иран: О возможности нормализации государственных отношений. (Инст-т изуч. Израиля и Ближнего Востока). М.: 2007.

4.11. С.М. Кудаев Иран и ВТО. (Инст-т изуч. Израиля и Ближнего Востока). М.: 2009.

4.12. Л.М. Кулагина, В.М.Ахмедов Иран и Арабские страны. (Инст-т изуч. Израиля и Ближнего Востока). М.: 2005.

4.13. М.Ю. Морозова. Иран и Туркменистан: проблемы транспортировки природного газа в регион Южной Азии. (Инст-т изуч. Израиля и Ближнего Востока). М.: 2007.

4.14. П.С. Пешко Социально-экономическая характеристика развития Ирана в конце XX века. (Инст-т изуч. Израиля и Ближнего Востока). М.: 2007.

4.15. О.Кузнецова. Роль и место Исламской Республики Иран в развитии ситуации вокруг каспийской нефти. (Инст-т изуч. Израиля и Ближнего Востока). М.: 2009.

4.16. В.Махонин. Политика Ирана в отношении национального нефтегазового комплекса после стабилизации обстановки в регионе. (Инст-т изуч. Израиля и Ближнего Востока). М.: 2007.

4.17. А.П.Орехов Обзор торгово-экономических отношений Ирана с промышленно развитыми странами на рубеже веков. (Инст-т изуч. Израиля и Ближнего Востока). М.: 2007.

- 4.18. Г.П.Ежов. Водные ресурсы и проблема национальной безопасности ИРИ. (Инст-т изуч. Израиля и Ближнего Востока). М.: 2007.
- 4.19. А.А. Шустер. Транспорт и связь Ирана (состояние и перспективы развития). М.: 2007.
- 4.20. П.А. Синовец. О влиянии Иранской ядерной программы на будущее режима нераспространения ядерного оружия на Ближнем Востоке. М.: 2005.
- 4.21. М.В.Алёхин. Норма и эффективность капиталовложений в Исламской Республике Иран (на рубеже XX – XXI вв.). М.: 2005.
- 4.22. Е.С.Мелкумян. Отношение Арабских государств персидского залива к Ирану: новые тенденции. М.: 2009.
- 4.23. О.А.Ишмухаметов. Особенности развития валютной системы ИРИ в 90-е годы: множественный валютный курс. М.: 2007.
- 4.24. В.П.Цуканов. Лаговая структура инвестиций как одна из основных характеристик накопления капитала в Иране (за период 1959–2002 гг.). М.: 2007.
- 4.25. Н.М.Мамедова. Проблемы модернизации и либерализации экономической системы Ирана (исторический аспект). М.: 2006.
- 4.26. М.Вартанян. Иностранные инвестиции в Исламской Республике Иран: законодательное регулирование и практика. М.: 2007.

V. Интернет ресурслари ва статистик тўпламлар

- 5.1. The Statistical Yearbook 1994-2001. //Arab Republic of Egypt. Central Agency for Public mobilization and Statistics. June 2002. - p.353.
- 5.2. Egypt Year book 2005. of Information State Information Service. Cairo. 2006. – p.283.
- 5.3. The World Bank. World Development Report 2004/2005. - p.568.
- 5.4. Handbook of International Trade and development statistics. UNCTAD, 2004.
- 5.5. Iran Daily, 29.01.2006.
- 5.6. ECO Vision 2015.
- 5.7. www.ecosecretariat.org. 15th Session of the Council of Ministers of ECO countries.
- 5.8. ECO Trade and Development Bank. Iran country partnership strategy 2009-2010. Turkish Undersecretariat of Foreign Trade.
- 5.9. State Bank of Pakistan/Federal Bureau of Statistics. 2009-2010.
- 5.10. Iran Focus, 04.09.2001.
- 5.11. www.economicaffairs.com – ЭИР Иқтисодиёт вазирлиги.
- 5.12. www.nioc.org – Нефт саноати вазирлиги.
- 5.13. www.irica.org – Божхона хизмати.
- 5.14. www.itto.org – Туризм вазирлиги.
- 5.15. www.icic.gov.ir – Курилиш.
- 5.16. www.mefa.gov.ir – ЭИР Иқтисодиёт ва Молия ишлари вазирлиги.
- 5.17. www.isiri.org – ЭИР Давлат стандарти.

- 5.18. www.iranlaw.online.fr – ЭИР қонунчилиги.
- 5.19. www.techpark.ir – ЭИР Саноат ҳудудлари.
- 5.10. www.bg_co.com – Савдо бўйича хизматлар.
- 5.11. www.gtcir.com – Давлат савдо компаниялари.
- 5.12. www.kfzo.com, www.chabahar.com – ЭИР ЭИХ.
- 5.13. www.m_found.org, www.iranexporters.org, www.egfi.org,
www.egfi.net, www.iccim.org, www.itrpnet.com – Экспорт масалалари.

ЭИР Молиявий ташкилотлари

- 5.14. www.cbi.ir – Марказий банк.
- 5.15. www.tse.or.ir – Биржалар.
- 5.16. www.parsinvestment.com – Инвестициялар.
- 5.17. www.edbi_iran.com – Ташқи савдо кредитлари.
- 5.18. www.atiehbahar.com – Маркетинг хизмати.
- 5.19. www.reach4iran.com, www.nic.ir – Молиявий янгиликлар.
- 5.20. www.rgroup.org – Соҳалар бўйича таҳлиллар.

ЭИР йирик корхоналари

- 5.21. www.farab.com, www.matn.com – Энергетика корхоналари.
- 5.22. www.iranianpistachio.com – Ўғит и/ч корхоналар.
- 5.23. www.nikoomehregan.com, www.my.ecplaza.net/nap - Қурутилган мевалар.
- 5.24. www.netiran.com – Текстил корхоналари.

ЭИР транспорти

- 5.25. www.irisl.net, www.iran_russia.com – Денгиз транспорти.
- 5.26. www.irantransport.de – Логистика.
- 5.27. www.msedv.at/rai - Темир йўллар.
- 5.28. www.irisl.net – Қуруклик транспорти
- 5.29. www.iranair.co.ir, www.iranair.com – Авиаккомпаниялар.
- 5.30. www.tco.ac.ir – Хайтек.
- 5.31. www.imf.org – Халқаро Валюта Фонди.